



Иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош
саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай
лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш
орқали эришилади.

Ш. Мирзиёев
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Лойиҳа ташкилотчиси:

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

Тузувчи:

“ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва
инжиниринг маркази.

Тақризчилар:

С.А.Ҳолмирзаев – Наманган муҳандислик-қурилиш институти “Қури-
лиш материаллари ва буюмлари” кафедраси мудири, т.ф.н.


Ж.М.Ҳайдаров – “ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва
инжиниринг маркази етакчи мутахассис.

Ушбу қўлланма

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тухфаси ҳисобланади.

© “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ – 2021

© “ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ – 2021



Ушбу қўлланма «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, ҳамда «ЎзқурилишматериалЛИТИ» МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази томонидан гипсокартон ишлаб чиқаришни ташкил этиш ниятидаги тадбиркорлар учун амалий-услубий қўлланма мақсадида яратилди.

Амалий-услубий қўлланмадан фойдаланиб гипсокартон ишлаб чиқариш ҳақида умумий маълумот олиш, керакли хом ашё тур-

лари, мавжуд заҳиралар, ишлаб чиқариш технологиялари, сифат, меъёрий ҳужжатлар, ўлчов воситалари, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари, экологик меъёрлар ва атроф муҳитга таъсири, техника хавфсизлиги, саноат санитария қоидалари, тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш ҳамда тижорат банкларидан кредит олиш тартиблари келтирилган.

Ушбу қўлланмадан фойдаланиб ўз бизнесингизни бошланг!

Сизга ёрдам берганимиздан миннатдормиз!



МУНДАРИЖА

Кириш	6
I. Гипсокартон ҳақида умумий маълумот	10
1.1 Республикада гипсокартон ишлаб чиқариш истиқболлари ва жаҳон тажрибаси	12
1.2. Гипсокартоннинг турлари ва физик- механик кўрсаткичлари	16
1.3. Афзалликлари	20
1.4 Ишлаб чиқариш ҳолати рақамларда	24

II. Хом ашё турлари ва мавжуд заҳиралар	28	VI. Экологик меъёрлар ва атроф муҳитга таъсири	58
2.1 Хом ашё турлари	30	6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи ҳужжатлар	60
2.2 Республика ҳудудларида мавжуд хом ашё заҳиралари	34	6.2 Экологик ҳужжатларни расмийлаштириш	64
III. Ишлаб чиқариш технологиялари	38	VII. Меҳнатни муҳофаза қилиш	66
IV. Сифат, меъёрий ҳужжатлар ва ўлчов воситалари	44	7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари	68
4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари	46	VIII. Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми	74
4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш	50	IX. Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш тартиби	76
4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги	52	Фойдаланилган адабиётлар	78
V. Самарадорлик кўрсаткичлари	54		

КИРИШ







Маълумки ҳозирги кунда аҳолини арзон турар-жойлар билан таъминлаш, ижтимоий соҳа объектлари, нотурар ва аҳоли турар жойлари учун сифатли, арзон, замонавий қурилиш материаллари билан таъминлаш давр талабидир.

Гипсокартон қурилиш соҳасига экологик тоза, арзон ва


сифатли қурилиш материали сифатида кириб келган. Бугунги кунда қурилиш саноатида гипс ва гипсокартонга бўлган талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Гипсокартон ёрдамида турар ва нотурар биноларнинг ички қисмлари кўркам ва гўзал кўринишга кирмоқда. Гигиеник хусусиятларига кўра гипсокартон

яшаш жойлари учун жуда мос келади. У экологик тоза, ўзида токсик моддалар сақламайди, шунингдек атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатмайди. Ушбу кўрсаткичлар гигиеник ва радиация сертификатлари билан тасдиқланган. Гипсокартон энергия тежамкор, овоз ўтказмаслик хусусиятларига эга қурилиш материалidir. Шунини таъкидлаш керакки, гипсокартон «нафас олади», яъни ҳавода намлик меъёрдан юқори бўлса, уни ютади. Ушбу хусусиятлар гипсокартонга биноларнинг микроиқлимини таби-

ий равишда тартибга солиш ва уйғун атмосферани яратишга катта ҳисса қўшиш имконини беради. Гипсокартоннинг оловга чидамли, сувга чидамли турлари ҳам саноат миқёсида ишлаб чиқарилади ва сейсмик хавфли ҳудудларда, фуқаролик ва ишлаб чиқариш биноларида фойдаланилади. Гипсокартондан фойдаланиш жараёнида электр ва телефон кабеллари, чангни тозалаш тизимлари, иситиш ва сув таъминоти тармоқларини ўрнатиш ноқулайлик туғдирмайди.



І. ГИПСОКАРТОН ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ





1.1 Республикада гипсокартон ишлаб чиқариш истиқболлари ва жаҳон тажрибаси



Гипсокартон - бу махсус аралашма билан ёпиштирилган гипс (**93%**) ва картон плиталардан (**6%**) иборат қурилиш материаллари. Гипсокартон таркибида **1%** миқдорда ҳар хил органик таркибий қисмлар ҳам мавжуд, улар материалнинг керакли хусусиятларини олиш учун зарурдир.

Дунё гипсокартон ишлаб чиқариш бозорида энг йирик ишлаб чиқарувчилардан бири бу - **KNAUF** ҳисобланади. Ушбу компания томонидан ишлаб чиқарилган гипсокартон маҳсулотлари Ўзбекистонда гипсокартонга бўлган ички талабнинг 60 фоизини қоплайди. Шунингдек, Ўзбекистон бозорининг қолган **10 фоизини** бошқа хорижий ишлаб чиқарувчи компаниялари, яна **10 фоизини** фақат маҳаллий корхоналар таъминлайди. Кўпгина хорижий компанияларнинг, Ўзбекистонда ишлаб чиқариш қувватлари мавжуд, бу эса ўз навбатида

рақобатдошликни келтириб чиқаради. Булар:

1. **“KNAUF GIPS BUKHARA”**

МЧЖ ҚК - Бухоро вилояти

Когон шаҳрида жойлашган. 2011 йилда ташкил қилинган завод гипсокартон ва қуруқ қурилиш қоришмаларини ишлаб чиқаради.

2. **«AZIA MOZAIK» МЧЖ** -

Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани, Тошлоқ ҚФЙ, Сергели маҳалласида жойлашган.

3. **«YUKSALISH GIPSO**

INVEST» МЧЖ Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Аччиққўл кўчасида жойлашган.

4. **«GIPSOLITE CEILINGS**

GROUP» хусусий корхонаси Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Тузел 3-мавзеда жойлашган.

АҚШ бутун дунё гипсокартон ишлаб чиқариш бозорининг **42%** хиссасига эгалик қилади. АҚШ да йилига **7 млрд. м²** гипсокартон листлари ишлаб чиқарилади. Россия Федера-

циясининг улуши **4%**ни ташкил этади. Умумий ҳисобда дунё гипсокартон ишлаб чиқариш бозорининг 2 етакчи корхонаси германиянинг **KNAUF** ва франциянинг **Saint-Gobain** ҳисобланади. Аммо, **Saint-Gobain** корпорациясининг улуши **KNAUF** га нисбатан баланд. Ушбу корпорация **“Gyprok”**, **“Nida Gips”**, **“Rigips”** брендлари асосида гипсокартон листларини жаҳон бозорига етказиб бермоқда.





knauf

The image shows the exterior of a modern building with a light-colored, textured wall. A large, three-dimensional blue logo for 'knauf' is mounted on the wall. The letters are bold and sans-serif, with the 'k' and 'f' being particularly prominent. Above the main wall, there is a long, narrow window with a dark frame. In the foreground, there are green plants and a paved area. The overall scene is bright and clear.

1.2 Гипсокартоннинг турлари ва физик-механик кўрсаткичлари



Гипсокартон маҳсулотлари қурилишнинг маълум бир қисмида фойдаланиш шартларига кўра қуйидаги турларга бўлинади. Булар:

1. Стандарт гипсокартон.

Одатда ушбу турдаги гипсокартон материаллари шифтдан, ёғочдан ёки металлдан ясалган девор рамкаларини қоплаш учун ишлаб чиқарилади ва ишлатилади. Ушбу турдаги гипсокартонлар турар-жой биноларининг мураккаб ички дизайн қисмларини қоплаш учун жуда мос келади. Бу турдаги гипсокартон бошқа турдаги гипсокартондан қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

1. Нормал намликни ҳисобга олган ҳолда фақат бино ичкарисида фойдаланиш мумкин.

2. Фақатгина уй-жойларни ички қисмларини қоплаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

3. Картон ўзининг оч кулранг ранги билан ажралиб туради.

Ушбу гипсокартон листларининг стандарт талаблари бўйича узунлиги: 2; 2,5; 3 м ўл-

чамлар кўринишида бўлади.

2. Намликка чидамли гипсокартон.

Ушбу материал намлик ўртача ёки юқори бўлган хоналарда ишлатилади. Гипс ўзагига махсус модификаторлар қўшилади, бунинг натижасида намлик сингиши кескин камаяди. Шунинг учун, у ҳаммом ва ошхоналарда, яшаш жойларида, иситиш мавжуд бўлган балконларда ишлатилади. Стандарт талабларига кўра намликка чидамли гипсокартон оч яшил рангда ишлаб чиқарилади.

Агар сиз намликка чидамли гипсокартондан фойдалансангиз, у ёрдамида душ ёки ҳовуздаги деворларга турли хил шакл беришингиз мумкин. Шуниси эътиборга лойиқки, бу намликка чидамли гипсокартонни фақат намлик юқори бўлган жойда ишлатиб қолмасдан, турар-жой бинолари ёки уйларнинг ҳар қандай қисмини қоплаш учун ишлатиш мумкин.

Ушбу гипсокартон листла-

рининг стандарт кенглиги: 1,2 м ўлчамлар кўринишида бўлади.

3. Ёнғинга чидамли гипсокартон.

Ёнғинга чидамли гипсокартон функционал жиҳатдан олдин тавсифланган стандарт ва намликка чидамли гипсокартонга ўхшашдир. Аммо бу ёнғинга чидамли гипсокартон эгилувчан хусусиятга эга эканлиги билан юқоридагилардан ажралиб туради. Бундан ташқари, бундай гипсокартоннинг гипсли қатлами юқори ҳароратга икки барабар кўп бардош бера олади. Ушбу хусусият туфайли тутун ва олов тезда тарқалиб кета олмайди.

Бундан ташқари ушбу турдаги гипсокартон ёнғинга қарши қисмларни, кабел каналларини, шамоллатиш тизимларини, темир конструкцияларини қоплаш учун ҳам ишлатилади. Одатда, ушбу материал офисларда, корхоналарда ва жамоат биноларида ишлатилади.

Қалинлиги бўйича гипсокар-

тон листининг ўлчамлари 6, 9, 12,5 мм кўринишида бўлади.

4. Дизайнерлик ишлари учун мўлжалланган гипсокартон.

Ушбу материал бошқа материаллардан ўзининг шаклдорлиги билан, турар-жой биноларининг ички қисмларига ён томонлама ҳар-хил безакли кўриниш бериши билан фарқланади. Бу турдаги гипсокартоннинг икки: аркали ва эгилувчан турлари мавжуд бўлиб, у турар жой бинолари, хонадон-



лар ичидаги кичик қисмларни эгилувчан шаклга келтириш учун ишлатилади.

Сиз дизайнерлик гипсокартонни ўрнатиш пайтида бир қанча қулайликларга эга бўлган ҳолда иш самарадорлигини ошириб боришингиз мумкин. Бундаги қулайликлардан яна бири бу – гипсокартонни шифтларга қоқиш ёки ҳар хил шакллар яшаш жараёнида уни “сув орқали” намлаш талаб этилмайди, чунки ушбу гипсокартоннинг эгилувчанлик кўрсаткичлар аъло даражада.

5. Юқори мустаҳкамликка эга гипсокартон.

Ушбу материал оғир юкларга бардош беришга мўлжалланган юқори мустаҳкамликка эга гипсокартон ҳисобланади. Масалан, сиз деворга оғир нарсаларни осиб қўйишингизга тўғри келиши мумкин, шу ҳолатда сиз юқори мустаҳкамликка эга гипсокартондан фойдалансангиз маҳкамлагичлар гипсокартондан тушиб кетмаслигини таъминланади. Бундай гипсокартон ҳар қандай турар-жой биноларида ишлатилади.



1.3. Афзалликлари



Барча қурилиш материалларида бўлгани каби, гипсокартон ҳам бир қатор афзалликларга эга.

1. Хавфсизлиги ва ишончилиги.

Гипсокартон листлари ҳар қандай табиий материалга қараганда эгиловчанлиги ва унинг таркибида заҳарли қўшимчалар йўқлиги, экологик зарарсизли-

ги ҳамда ўзидан заҳарли моддаларни чиқармаслиги билан ажралиб туради.

2. Енгиллик.

Гипсокартоннинг енгиллик хусусияти бир қанча қулайликлар яратади. Бунда гипсокартонни ортиш, тушириш, ташиш вақтида ишчи кучига бўлган эҳтиёжни камайтиради.



3. Иссиқликни сақлаш.

Гипсокартон иссиқликни сақлаш хусусиятига эга қурилиш материали ҳисобланади. Агар минерал толадан тайёрланган иссиқликни сақловчи қурилиш материаллари билан биргаликда ишлатиладиган бўлса, пас ҳароратли кунларда турар-жой биноларидаги иссиқликни яхши сақлайди ва бу ўз навбатида энергия сарфини камайтишига, шунингдек улар учун сарфланадиган маблағларнинг иқтисод қилинишига эришилади.

4. Эгилувчанлик.

Гипсокартоннинг эгилувчанлик хусусияти турар-жой биноларининг ички дизайнига ҳарҳил турдаги безакли ва шаклдор кўриниш бериш имкониятини яратади.

5. Намликка чидамлик

Махсус намликка чидамли гипсокартон намликни ютмайди. Бу турдаги гипсокартонлар намлик юқори бўлган жойларда, ошхона ва ҳаммомнинг ички қисмларида хавфсиз ишлатилиши мумкин.



1.4 Ишлаб чиқариш ҳолати рақамларда



2016 йилда гипсокартон листларига бўлган талаб 29,4 млн м², ишлаб чиқариш ҳажми эса 29,4 млн м² ни ташкил этган (таъминланганлик даражаси 100%). 2020 йилга келиб юқоридаги барча рақамларда ўсиш кўрсаткичлари юз берган. Хусусан, 2020 йилда гипсокартон листларига бўлган талаб 59,8 млн м², ишлаб чиқариш ҳажми эса 61,0 млн м² ни ташкил этган (таъминланганлик даражаси 102%). Амалда 2016 йилда умумий қиймати 123,2 млрд сўмлик 29,4 млн м² гипсокартон листлари ишлаб чиқарилган бўлса, ушбу рақамлар 2021

йилда 556,0 млрд сўмлик 62,0 млн м², 2026 йилда 872,6 млрд сўмлик 90,0 млн м² ни ташкил этиши режалаштирилмоқда.

Хозирда амалга оширилаётган умумий ишлаб чиқариш қуввати 85 млн м² ни ташкил этувчи 21 та инвестиция лойиҳаси доирасида 1 530 та янги иш ўрни яратилиши кутилмоқда. Бундан ташқари умумий ишлаб чиқариш қуввати 4,0 млн м² гипсокартон ва 570 минг тонна гипсни ташкил этувчи 13 та истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Юқори қўшилган қийматли маҳсулот бўлган гипсо-



картон плиталарининг экспорт кўрсаткичи 2021 йилда 7,0 млн АҚШ доллари, 2026 йилда 15 млн АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда.

Умумий олганда, 2021 йилда республикада барча турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кўрсаткичи 24,2 трлн сўмни, 2026 йилда эса 41,5 трлн сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Экспорт эса 2021 йилда 270 млн АҚШ дол-

лари, 2026 йилга келиб эса 505 млн АҚШ долларига етказилиши прогноз қилинмоқда.

Шу билан бирга, соҳага жалб этилаётган инвестициялар миқдори 2021 йилда 1 610,0 млн АҚШ доллари, 2026 йилда 2 250,0 млн АҚШ долларини, маҳаллийлаштириш кўрсаткичлари эса 2021 йилда 905,1 млрд сўмни, 2026 йилга келиб эса 1 550,0 млрд сўмни ташкил этиши кутилмоқда.



II. ХОМ АШЁ ТУРЛАРИ ВА МАВЖУД ЗАҲИРАЛАР



2.1 Хом ашё турлари



Гипсокартон ишлаб чиқаришда қуйидаги асосий хом ашёлар қўлланилади: табиий гипс ($\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$), кўпикли концентрат, қопламали картон, поливинилацетат эмулсияси (елим) ва крахмал.

Табиий гипс — минерал, сувли калций сульфат тузи $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$, таркибида соф ҳолда CaO (32,56%), SO_3 (46,51%), H_2O (20,93%) бўлади. Моноклин системада кристалланади. Кристаллари пластинкасимон, устунсимон, нинасимон ва толасимон кўринишда бўлади. Кўпинча, туташ донадор, толасимон массалар, турли кристаллик гурухлар тарзида учрайди. Тоза гипс рангсиз ва шаффоф; таркибида қўшилмалар бўлгани кулранг, сарғиш, кўнғир ва бошқа рангли бўлади.

Минералогик шкала бўйича зичлиги 2300 кг/м^3 . Гипс - суви қуриб бошлаган кўл ва денгиз ҳавзаларида сульфат тузларининг чўкишидан пайдо бўлади.

Гипс захиралари эса асосан гидротермал жараёнлар ҳамда ангидриднинг гидратлашиши натижасида ҳосил бўлади. Гипс қатламлари Ўзбекистоннинг Фарғона (Қувасой), Бухоро (Қонгон) ва Сурхондарё вилоятларида топилган;

КАРТОН - (франц. carton, итал. carto — қоғоз сўзидан) — юза бирлигининг массаси ёки солиштирма оғирлиги оддий қоғозникидан катта бўлган қоғоз тури. Ягона халқаро таснифлашда қоғоз билан картон орасида аниқ чегара кўрсатилмаган. Масалан, Германияда 150 г/м^2 , Польшада 180 г/м^2 , Россияда 250 г/м^2 қоғоз материаллари картон деб қабул қилинган. Картонлар бир, икки ва кўп қатламли бўлади.

Картон тайёрлашдаги асосий технологик операциялар хом ашёни майдалаш, қолипларга қуйиш, пресслаш, қуришдан иборат. Картон олиш қоғоз олишдан унча фарқ қил-

майди, лекин бунда анча дағал ва бикр толали материаллар (Масалан, қўнғир ёғоч массаси, ярим целлюлозалар, макулатура ва бошқалар) дан фойдаланилади. Картон хоссалари ушбу техник кўрсаткичлари: юза бирлиги билан белгиланади. Рулон кенлиги – 1180 мм ва 1250 мм гача, қалинлиги эса - 0,3-0,46 мм ни ташкил қилади. Картон массаси таркибига ёпиштирувчи, боғловчи, тўлдирувчи, бўёвчи моддалар қўшиб, унинг хоссаларини ўзгартириш мумкин.

КРАХМАЛ ($C_6H_{10}O_5$) $_n$ бу - амилоза ва амилопектин полисахкаридларнинг аралашмаси бўлиб, уларнинг мономерини алфа-глюкоза ҳисобланади. Дунёда крахмал - қоғоз саноатида энг кўп қўлланиб келинади, бу йилига миллионлаб тоннани ташкил этади.

Ўзгартирилган крахмал девор қоғози елимининг асосий таркибий қисмидир.

ПОЛИВИНИЛАЦЕТАТ - (мо-вилит, винилит) [$CH_2CH - (OCOCH_3)$] — шаффоф, рангсиз, аморф полимер. Юмшаш температураси 30-50 °С, зичлиги 1190 кг/м³. Кетонлар, мураккаб эфирлар, ароматик углеводородлар ва метанолда яхши эрийди. Сув, алифатик углеводородлар, бензин, минерал, мойлар ва гликоларда эримайди. Саноатда поливинилацетатни эритмада, эмулсияда ёки суспензияда радикал полимерлаш усули билан олинади. Елимлар, тахта, қоғозга шимдирилувчи таркиблар тайёрлашда, эмульсияли бўёқлар олишда, бетоннинг сифатини оширишда қўлланади.





2.2 Республика худудларида мавжуд хом ашё заҳиралари



Гипсокартон ишлаб чиқариш учун асосий хом ашё ҳисобланган гипсининг вилоятлар кесимида мавжуд захиралари

Вилоят номи	Туман, шаҳар номи	Манзили	Миқдори, млн. тонна	Хом ашё тури
Бухоро	Ғиждувон	Корасигир. Зафарабад ш. дан 30 км	5661,9	Гипс тоши
		Санджар. Зафарабад ш. дан 38 км	846,3	Гипс тоши
	Бухоро	Джаркак. 13 км дан Когон ш.	6820	Гипс тоши
		Кристалл Когон ш. дан 15,5 км	717,5	Гипс тоши
		Мамаджургат. Когон ш. дан 15 км	807,5	Гипс тоши
		Ромитан Когон ш. дан 15,5 км	753	Гипс тоши
		Шухрат. Когон ш. дан 13 км	836,5	Гипс тоши
		Ғанчқор Когон ш. дан 16 км	954,8	Гипс тоши
		Ок олтин-1,2 Ғиждуван ш. дан 12 км	33 031,0	Гипс тоши
		Ок олтин - Бухоро ш. дан 20,0 км	9 676,1	Гипс тоши
		Ок олтин- Бухоро ш. дан 23,0 км	276,8	Қурилиш гипси ва цемент ишлаб чиқариш учун гипс тоши


**Гипсокартон ишлаб чиқариш учун асосий
хом ашё ҳисобланган гипсининг вилоятлар
кесимида мавжуд захиралари.**

Вилоят номи	Туман, шаҳар номи	Манзили	Микдори, млн. тонна	Хом ашё тури
Кашқадарё	Камаши	Лянгар Камаши дан 35 км	5998,2	Қурилиш гипси ва цемент ишлаб чиқариш учун гипс тоши
			9755,8	
		Талимарджан Карши ш. дан 42 км	19866,2	Қурилиш гипси ва цемент ишлаб чиқариш учун гипс тоши
Самарканд		Қунгуртаус. Зирабулак дан 41 км	6163,4	Қурилиш гипси ва цемент ишлаб чиқариш учун гипс тоши
		Қыркбулак (1999) Зиадиндан 36 км	2370,6	Гипс тоши
		Қурганча -1 12 км Карнаб. Навои ш. дан 50 км	926,6	Гипс тоши
		Қурганча-1 (Шаркий Қурганча). Зиадин ш. дан 35.6 км	1476,6	Гипс тоши
		Қурганча-3 Зиадин ш. дан 35.7 км	5834,6	Гипс тоши
		Қурганча-4 Зиадин ш. дан 34.6 км	4866,3	Гипс тоши
		Карноб Карнаб п. Дан 9 км	2986,5	Гипс тоши

Вилоят номи	Туман, шаҳар номи	Манзили	Миқдори, млн. тонна	Хом ашё тури
Сурхандарё	Бойсун	Дербент-II 19 км 3 р/ц Бойсун	1156	Қурилиш гипси ва цемент ишлаб чиқариш учун гипс тоши
	Бойсун	Тузтауское Шерабаддан 40 км	669	Қурилиш гипси ва цемент ишлаб чиқариш учун гипс тоши
	Шерабод	Шаргун (1959) Узундан 32 км	5088,8	
	Сариосиё		17148	
Фарғона	Ўзбекистан	Камышбашин Қўқон ш. дан 43 км	932,9	Гипс тоши
	Фарғона	Кувасай-5. Кувасай ш.дан 8-10км	907,0	Гипс тоши



III. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ





Гисокартон ишлаб чиқариш технологияси жуда ҳам мураккаб жараён эмас. Ишлаб чиқариш жараёнида энг муҳим нарсa – олдиндан аниқлаб олинган ишлаб чиқариш рецептига ҳамда ишлаб чиқариш стандартларига қатъий амал қилишдир. Стандартларга қатъий риоя этиш лозим, чунки гипсокартон ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ҳар бир хом ашёга стандартларда қатъий талаб белгиланган.

Демак гипсокартон ишлаб чиқариш технологияси ҳамда унинг босқичларининг қисқача тавсифи қуйидагича:

1. Гипсли қоришма тайёрлаш.

Гипсокартон ишлаб чиқаришда гипс қимматли хусусиятга эга, ишлаб чиқарувчилар ҳар доим гипс массасига қўшимча компонентлар қўшиб ҳар доим унинг сифатини ях-

шилаб борадилар. Танлаб олинган гипс техник сув билан яхшилаб аралаштирилади, кимёвий моддалар қўшилади, аралашма минераллар билан бойитилади. Сўнгра қоришма олдиндан тайёрланган идишга солинади ва унга катализатор қўшилади. Бу гипснинг тез қаттиқлашишига ёрдам беради. Шу тартибда, хом ашё олинади.

2. Гипсокартонни материал сифатида шакллантириш.

Картоннинг пастки ва юқори қатламлари тайёрлаб олинади. Картон листларга аста-секин олдиндан тайёрланган гипс аралашмаси қуйилади. Ушбу процедура автоматик равишда амалга оширилади, ҳамма нарсa ускуналар томонидан қўл меҳнатидан фойдаланмасдан амалга оширилади. Тайёр маҳсулот керакли зичликка келтирилади, бу эса сифатли ва тўғри қирқимларга эришишга имкон беради.

3. Гипсокартонни кесиш ва қуритиш.

Тайёр листлар рулонли конвеер ёрдамида стандарт ўлчамларда кесилади. Конвейер бўйлаб листларнинг секин ҳаракатланиши уларнинг қуришига ёрдам беради, иккиламчи босқичда ҳаракат

тезлашади. Кейинчалик гипсокартон листлари қуритиш учун корхонанинг қуритиш ускуналарига киритилади. Ушбу қуритиш ускуналари эса юқори сифатли гипсокартонни қуритиш учун бир соатдан кўп вақт кетмаслигини таъминлаб беради.



Керакли ускуналар

1. Гипс қоришмасини тайёрлаш қурилмаси;

2. Шакл берувчи мосламага картонни узлуксиз етказадиган қурилма;

3. Шакл берувчи мослама гипс матосини ҳосил қилиш ва картон листларини ўзаро боғлаш вазифасини бажаради;

4. Тасмали конвейер конвейер мато ва профилнинг ўлчамлари белгиланган ташқи ўлчамларга мос келишини таъминлаш учун қўшимча шакл берувчи мосламалар билан жиҳозланади;

5. Гипсокартон листларини бир жойдан бошқа жойга қўчирадиган конвейер (у листларни рольганг конвейердан консол конвейерга узатади);

6. Қуритиш конвейерига листларни жойлаштирадиган консол конвейер;

7. Листларни тўлиқ қуригунча айлантирадиган қуритиш конвейери;

8. Якуний кесиш, қадоқлаш ва тахлашга мўлжалланган қўшимча рольганг конвейер.

9. Қуритиш ускунаси.

Гипсокартон ишлаб чиқариш технологик линияларининг дастлабки нархлари

1. Хитойда ишлаб чиқарилган йилига **2 000 000 м² дан 30 000 000 м²** гипсокартон ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган Genyond линияси. Дастлабки нархи **500 000 АҚШ доллари**. Shanghai Genyond Technology co., Ltd.

2. Россия Федерациясида

ишлаб чиқарилган йилига 2 000 000 м² гипсокартон ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган мини-технологик линия. Дастлабки нархи – **130 000 АҚШ доллари**.

Ушбу линия ишга туширилиши натижасида **10-15 нафар янги иш ўрни** яратилиши мумкин.



IV. СИФАТ, МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА ЎЛЧОВ ВОСИТАЛАРИ



4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари



Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонунига асосан барча маҳсулот ва хизматлар тегишли тартибда стандартлар асосида ишлаб чиқарилиши қатъий белгилаб қўйилган.

Шунинг учун гипсокартон листлар белгиланган стандарт талаблари доирасида ишлаб чиқарилиши зарур. Ушбу стандартларни Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузури-

даги Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Стандартлар институтидан сотиб олиш мумкин.

Норматив ҳужжатларда гипсокартон листларни ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, хом ашёни танлаш, хом ашё таркибида саноат чиқиндиларидан фойдаланиш тартиби, маҳсулотни ташиш даврий сифат кўрсаткичларини текшириб бориш каби талаб ва тавсиялар келтирилади.

Гипсокартон листларни ишлаб чиқариш ва у билан боғлиқ жараёнларни амалга ошириш учун зарур стандартлар:

Стандарт рақами	Стандарт номи
ГОСТ 6266-97	Гипсокартон листлари. Техник шартлар.
ГОСТ 125-2018	Гипсли боғловчилар. Техник шартлар.
ГОСТ 4013-82	Боғловчи материалларни ишлаб чиқариш учун гипс тоши ва гипсангидрит тош. Техник шартлар.
ГОСТ 14192-96	Товарлар маркировкаси.
ГОСТ 23789-2018	Гипсли боғловчилар. Синов усуллари.
ГОСТ 30108-94	Қурилиш материаллари ва маҳсулотлари. Табиий радионуклидларнинг ўзига хос самарали фаолиятини аниқлаш.
ГОСТ 33757-2016	Ясси ёғоч схемаси. Техник шартлар.
ГОСТ Р 52901-2007	Маҳсулотларни қадоклаш учун гофрокартон. Техник шартлар.
ГОСТ 7420-89	Гофрировка қилинган картоннинг текис қатламлари учун картон. Техник шартлар.
ГОСТ 7691-81	Картон. Пакет, маркалаш, ташиш ва сақлаш.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги ПҚ-4335-сонли қарорининг 6-илоvasи “2021 йилнинг 31 декабрига қадар давлат томо-

нидан қўллаб-қувватлаш орқали қабул қилинадиган қурилиш материаллари соҳасидаги халқаро стандартлар рўйхати”га мувофиқ 2019 йилда 340 та, 2020 йилда 542 та халқаро стандартлар қабул қилинди, 2021 йилда яна 505 та халқаро стандарт қабул қилиш режалаштирилган.



4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш



Жараён оддий ва унда инсон омили иштироки камайтирилган. Гипсокартон листлари учун мувофиқлик сертификатини масофадан туриб олиш мумкин. Бунда Сиз **singlewindow.uz** электрон платформасига кирасиз, **ари-за тақдим этиш** тугмачасини босган ҳолда ўз маълумотларингизни киритасиз.

Аризангиз кўриб чиқилади ҳамд **3 иш куни** ичида тегишли мутахассислар келиб Сиз ишлаб чиқараётган гипсокар-

тон листлардан наъмуналар олади. Маҳсулотни тегишли тартибда лаборатория синовларида текширади, стандарт талабларга жавоб берган тақдирда Сизга мувофиқлик сертификати берилади.



4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги



Гипсокартон листлари ишлаб чиқаришда турли хил ўлчов воситаларидан, хусусан узунлик ўлчов инструменти, чегаравий ясси узунлик ўлчовлари, штангенциркул каби ўлчов воситаларидан фойдаланилади.

Ушбу ўлчов воситалари гипсокартон листларининг сифати, стандарт талабларда белгиланган геометрик ўлчамлардан, оғирликлардан четга чиқмаганлиги каби муҳим факторларни

доимий назорат қилиш учун зарур ҳисобланади.

Ушбу ўлчов воситалари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2019 йил 30 июлдаги «Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари туркумларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» ги **3174-сон буйруғига** асосан **Миллий метрология институти томонидан қиёслов кўригидан ўтказилади.**

29%



Гипсокартон листлари ўзининг баъзи кўрсаткичлари сабабли энергия самарадор ҳисобланади. Буни бир қатор кузатувлар ва ўрганишлар билан исботлаймиз.

1. Иссиқликни сақлаш.

Гипсокартон иссиқликни сақлаш хусусиятига эга қурилиш материали ҳисобланади. Агар минерал толадан тайёрланган иссиқликни сақловчи қурилиш материаллари билан биргаликда ишлатиладиган бўлса, пас ҳароратли кунларда турар-жой биноларидаги иссиқликни яхши сақлайди ва бу ўз навбатида энергия сарфини камайишига, шунингдек улар учун сарфланадиган маб-

лағларнинг иқтисод қилинишига эришилади.

2. Фойдаланиш спекترینинг кенглиги.

Гипсокартоннинг намликка чидамли ва оловга чидамли турларини тегишли равишда намлик юқори бўлган ва температура юқори бўлган жойларда хусусан, ошхона ва ҳаммомнинг ички қисмларида хавфсиз ишлатиш мумкин.

3. Қулайлик

Гипсокартоннинг қулайликларидан бири унинг енгиллик хусусиятидир. Бунда гипсокартонни ортиш, тушириш, ташиш вақтида ишчи кучига бўлган эҳтиёж камаюди. Ортиш ва туширишга сарфланадиган қўшимча маблағлар тежалади.



VI. ЭКОЛОГИК МЕЪЁРЛАР ВА АТРОФ МУҲИТГА ТАЪСИРИ



6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи ҳужжатлар



Экология – тирик жонзотларнинг яшаш шароити ва уларнинг ўзлари яшаб турган муҳит билан ўзаро мураккаб муносабатлари ва шу асосда туғилган қонуниятларни ўрганади, инсоннинг табиат билан ўзаро таъсирини энг мақбул тарзда ишлаб чиқаради. Экологик назорат атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари тизимидир.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги 9 декабрдаги **«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»**ги ҳамда 1996 йил 27 декабрдаги **«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»** Қонунлари табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан

оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сонли фармониға биноан:

- экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллардан, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш;

- иқтисодиётни экологи-

ялаштириш, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини жорий қилиш, экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллар, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш;

- янгидан фойдаланишга топшириладиган ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самарадорлиги **99,5 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тўғиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш;

- амалдаги ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самарадорлиги **95 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тўғиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш каби топшириқларидан келиб чиқиб қурилиш материаллари саноатидаги мавжуд ишлаб чиқариш

корхоналари ва янгидан ташкил этиладиган корхоналарга ушбу талаблар белгиланган.

Инсоният ҳаёти уни ўраб турган табиий муҳит билан узвий боғлиқ бўлиб, буни тасдиқлайдиган манбаалар ҳар қадамда учраб туради. Жаҳон кўламида жадал суръатлар билан кечаётган фан-техника инқилоби одамларнинг меҳнат шароити, турмуш даражаси яхшиланишига ижобий таъсир этиш билан бирга у туғдирган экологик ўзгаришлар, ўз навбатида, инсониятга, уни ўз бағрида сақлаётган она табиатга асоратли таъсир кўрсатмоқда. Бизни ўраб турган табиатни чиндан ҳам она десак бўлади. Чунки у бутун борлиқни ҳаётбахш нафаси билан таъминлаб туради, тўйдиради, кийинтиради. Ана шундай марҳаматли табиатнинг озор топиши у билан бевосита одамзод ва жониворларни тахликага солиб қўйиши мумкин. Азот оксидларининг чиқариб ташланиши криоген

техникада ва уй шароитида хлор-фтор-карбонатларнинг кенг қўламда қўлланилиши Ернинг озон қаватини сақлаш муаммосини кескинлаштириб юборади.

Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, шунингдек табиатга антропоген (инсоннинг бевосита қатнашиши) таъсир этишнинг тобора кучайиши натижасида табиий омилларнинг ўзаро боғланиши маълум даражада мувозанатдан чиқмоқда, бу эса ер юзида ҳаётий жараён рисоладагидек кечишига хавф солмоқда. Шу боисдан табиий муҳитни асраш муаммолари кўп жиҳатдан экологик тадқиқотлар билан боғланади.

Табиий бойликлардан оқилон фойдаланишдан табиатда рўй берадиган жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги билимлар катта аҳамиятга эга. Бусиз табиий жараёнларга баҳо бериш, уларни ҳисобга олиш, табиатга, табиат компонент-

ларига кўрсатилган ҳар қандай таъсирнинг келажақда қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан билиш мумкин эмас. Инсон табиатдан фойдаланганда ва унга таъсир кўрсатаётганда билиши ва фаолиятида амал қилиш зарур бўлган, асосан, **5 қонуният** мавжуд:

1) Табиатдаги барча компонент ва элементлар ўзаро бир-бирлари билан боғланган, ўзаро таъсир этиб, муайян мувозанатда бўлиб, уйғунлик ҳосил қилган. Бирон компонент ёки элемент ўзгарса, бутун табиий комплексда ўзгариш рўй беради;

2) Табиатда тўхтовсиз модда ва энергиянинг айланма ҳаракати рўй бериб туради. Бу ҳаёт асоси;

3) Табиий жараёнларнинг ривожланишида муайян даврийликлар мавжуд (суткалик, йиллик, 12 йиллик, 33— 35 йиллик ва кўп йиллик);

4) зоналик;

5) регионаллик.

6.2 Экологик ҳужжатларни расмийлаштириш



Экологик назорат объектлари қуйидагилардан иборат:

ер, ер ости бойликлари, сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи табиий ва техноген манбалар атроф муҳит ифлосланишига ва табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

Экологик назоратнинг турлари:

давлат экологик назорати;
идоравий экологик назорат;
ишлаб чиқариш экологик назорати;
жамоатчилик экологик назорати.

Ҳар қандай янги лойиҳа бўйича ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этилишида **экология йўналиши бўйича 5 та нор-**

матив-ҳужжат ишлаб чиқирилиши мажбурий тарзда қонунчилигимиз билан мустаҳкамланиб қўйилган. Булар:

АМТА – атроф муҳитга таъсири аризаси ҳақидаги ҳужжат;

ЭОА – экологик оқибатлар аризаси ҳақидаги ҳужжат;

ПДВ – атмосфера қатламига чиқариладиган ташламалар ҳақидаги норматив;

ПДС – ер қатламига чиқариладиган зарарли чиқинди оқавалар ҳақидаги норматив. Агар чиқинди сувлар канализация тармоғига уланса **КЭН** нормативи ишлаб чиқарилади ;

ПДО – ишлаб чиқариш корхонасининг фаолияти давомида ажраладиган саноат ва маиший чиқиндиларнинг ҳудудга ва атрофга жойлаштирилиши ҳақидаги норматив. Агар чиқиндилар экологик сертифициланган бўлса компенсацион тўловларга тортилмайди.

VII. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ





7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари



Ўзбекистон Республикасида хавфсиз ва қулай меҳнат шароитида ишлаш юзасидан фуқароларнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (37-модда) мустаҳкамланиб қўйилган. Ушбу конституциявий кафолатни амалда рўёбга чиқарилишига қаратилган аниқ чора тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунига, бошқа бир қатор қонунлар ва қонун ости норматив ҳужжатларида белгиланган.

Меҳнат муҳофазаси - инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилиятининг сақланишига қаратилган тадбирлар. Қонун ҳужжатларида меҳнат жараёнида қўлланиладиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техник, санитария-гигиена, даволаш-профилактика чора тадбирлари белгилаб қўйилади. Меҳнат қилувчи шахс хавф-

сизлиги, саломатлиги, меҳнат қилиш қобилиятини ҳимоялаш, соғлом меҳнат шароитлари яратиш, касб касалликлари юз бериш хавфини олдини олиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланишларга йўл қўймаслик кабилар меҳнат муҳофазаси олдидаги вазифалар ҳисобланади.

Меҳнат муҳофазасига оид талаблар ва стандартлар Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари асосида ишлаб чиқариладиган корхона ва ташкилотларнинг ички меҳнат тартиби қоидалари, жамоа шартномалари, тармоқ ёки минтақавий жамоа келишувлари, корхоналарнинг бошқа ички норматив ҳуқуқий ҳужжатларида, муайян соҳа, касб, иш жойларига оид бўлган Меҳнат муҳофазаси стандартларида белгилаб қўйилади. Мулкчилик шакли ва ҳўжалик юритиш усулидан қатъий назар барча корхона, муассаса, таш-

килотлар ўз ходимлари учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шaroитини яратиши, хавфсизлик техникаси чораларини кўриши, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этиши, бошқа ташкилий техник тадбирларни амалга ошириши шарт.

Меҳнатни муҳофаза қилиш — бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

Ходимларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин чиқишдан сақланиш ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўл-йўриқлар бериш ҳамда ходимларнинг меҳнат-

ни муҳофаза қилишнинг ҳамма талабларига риоя этишларини доимий равишда текшириб бориш вазифаси иш берувчи зиммасига юклатилади.

Меҳнат муҳофазасида қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

жамоавий ҳимоя воситалари — тузилиши ёки вазифаси жиҳатидан ишлаб чиқариш биноси ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган, ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавfli ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган техник воситалар ва бошқа воситалар;

зарарли ишлаб чиқариш омили — таъсири ходимнинг касб касаллигига чалинишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

иш ўрни — меҳнат фаолияти жараёнида ходимнинг доимий

ёки вақтинчалик бўлиш жойи;

ишлаб чиқариш фаолияти — маҳсулот ишлаб чиқариш, хом ашёни қайта ишлаш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш чоғида амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса — ходимнинг иш берувчининг ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда, шу жумладан иш берувчи томонидан берилган транспортда иш жойига келадиган ёки ишдан қайтаётган вақтда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруратига, у касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

касб касаллиги — ходимнинг унга зарарли ишлаб чиқариш омили ёки хавфли ишлаб

чиқариш омили таъсири натижасида юзага келган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёхуд турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллиги;

меҳнат шароитлари — меҳнатни амалга ошириш чоғидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омиллари йиғиндиси;

меҳнатни муҳофаза қилиш — меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақланишини таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизими;

меҳнатда майиб бўлиш — ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотиши;

ноқулай ишлаб чиқариш

омиллари — зарарли ишлаб чиқариш омилининг ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилининг мавжудлиги;

хавфли ишлаб чиқариш омили — таъсири ходимнинг шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

шахсий ҳимоя воситалари — ходимга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавф-

ли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимояланиш учун фойдаланиладиган техник воситалар ва бошқа воситалар.

Гипсокартон материалларини ишлаб чиқаришнинг асосий технологик босқичларида ишлашда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур.



**VIII. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ
ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ ОРҚАЛИ ДАВЛАТ
РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ**



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги 312-сонли “Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан мамлакатимизда 2014 йилнинг 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этилди.

Унга қўра, электрон рўйхатдан ўтказиш таъсис ҳужжатларини масофадан туриб ва интерактив расмийлаштириш йўли билан намунавий шакллар асосида тайёрлаш имконияти бўлган Ўзбекистон Республикаси интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали амалга оширилади. Электрон рўйхатдан ўтказишда зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш учун ариза бериш, шунингдек рўйхатдан ўтказилган

таъсис ҳужжатларини ва тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги ПҚ-2646-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш” тартиби тўғрисидаги Низом асосида амалга оширилади.

IX. ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ



Бугунги кунда банклар томонидан тадбиркорларликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилган бўлиб, молиялаштириш дастурлари доирасида банклар томонидан турли хилдаги кредитлар таклиф этилмоқда.

Кредитларининг турлари бизнесни ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган исталган масалаларни ҳал қилишга имкон беради.

Кредит тақдим этиш тўғрисидаги қарор қабул қилишда банк мижознинг ҳақиқий ҳолати тўғрисидаги маълумотларга асосланади. Бунда эътибор расмий кўрсаткичларга эмас, балки молиялаштириш назарда тутилган бизнеснинг ривожла-

ниш истиқболларига қаратилади.

КРЕДИТ ОЛИШ УЧУН КЕРАКЛИ ҲУЖЖАТЛАР:

- кредит олиш учун ариза (кредит муддати, фоизи, мақсади кўрсатилган ҳолда);

- бизнес-режа (маҳсулот турлари, ишлаб чиқариш технологиялари, сотиб олинadиган ёки ижарага олинadиган асбоб ускуналар рўйхати, хом ашё заҳиралари, маҳсулотга бўлган талаб, ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсатилади);

- корхона ташкил қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (гувоҳнома, Устав);

- таъминот ҳужжатлари (гаровга қўйиладиган кўчма ва кўчмас мулк, кафиллик).

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тўлаганов А.А., Камилов Х.Х., Воҳидов М.М., Султонов А.А. "Замонавий қурилиш материаллари, буюмлари ва технологияли". Ўқув қўлланма. Тошкент, ТАҚИ 2014.
2. Қосимов Э.У., Касимов И. И. "Пардозбоб қурилиш ашёлари". Ўқув-услубий мажмуа. Тошкент, ТАҚИ 2020.
3. Вихтер Я.И. "Производство гипса". Ўқув қўлланма. Москва-1962.
4. Махмудова Н.А. "Боғловчи моддалар". Дарслик. ТАҚИ-2018.
5. Руднов В.С., Владимирова Е.В., Доманская И.К., Герасимова Е.С. "Қурилиш материаллари ва буюмлари". Ўқув қўлланма. Екатеринбург. Урал университети нашриёти-2018.
6. Антонов И. В. Конструкции из гипсокартона: арки, потолки, перегородки. - М.: Эксмо, 2013.
7. В. Руденко. Потолки из гипсокартона: устройство и дизайн. 2009.
8. А. Савельев: Гипсокартон. Монтажные работы. 2009.
9. Воробьев Х.С. Гипсовые вяжущие и изделия (зарубежный опыт). М., 1983.
10. Балдин В.П. Интенсификация производства гипсовых вяжущих материалов. М., 1988.
11. Ферронская А.В. Долговечность гипсовых материалов, изделий и конструкций. М., 1984.
12. Балдин В.П. Современные виды эффективных гипсовых изделий и способы их производства. М.,1990.
13. Сатторов З.М. Экология. – Т.:Sano-standart, 2018. – 362 б.
14. Сатторов З.М. Қурилиш экологияси. – Т.:Sano-standart, 2017. – 364 б.



“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” АТБ

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри.
Шаҳрисабз кўчаси 3-уй.

Мўлжал: “Ўзбекистон почтаси”,
“Ucell” бош офиси.

Алоқа учун: + 998 (78) 120-35-94

E-mail: info@uzpsb.uz

Сайт: sqb.uz

“ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛИТИ” МЧЖ ИЛМИЙ- ТАДҚИҚОТ ВА ИНЖИНИРИНГ МАРКАЗИ.

Манзил: Тошкент шаҳри, Тафаккур кўчаси,
68-А уй.

Мўлжал: Дўстлик боғи,
“Ичан қалъа” меҳмонхонаси

Алоқа учун: (71) 254-92-01

E-mail: info@uzqmliti.uz

Сайт: uzqmliti.uz

[illegible]

[illegible]

This image shows a single sheet of white paper with horizontal blue ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are no margins, text, or other markings on the paper.

[illegible]



**Гипсокартон ишлаб чиқариш бўйича
амалий услубий қўлланма**

Компьютерда тайёрловчилар:
Эрматов Ф., Алимжонов С.

Дизайнер:
Эрматов Ф.